ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТАХИАТОШ ТУМАН КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2018 йил «27»декабрь № 11/44

2019 йил учун Тахиатош туманининг бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон)нинг 100-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26-декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикаси бюджетиниг 2019 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2018 йил 26-декабрдаги №219/XXIV-сонли сессия қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, 2019 йил учун Тахиатош тумани маҳаллий бюджетининг даромат ва харажат миқдори, айланма касса харажати миқдори ва бюджетга тегишли бошқа кўрсаткичларни қараб чиқиб, Халқ депутатлари Тахиатош тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26-декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикаси бюджетиниг 2019 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2018 йил 26-декабрдаги №219/XXIV-сонли сессия қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2.Тахиатош тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилга даромад ва харажатлар қисмининг асосий кўрсаткичларининг кутилаётган ижроси маълумот учун қабул қилинсин.

3.Тахиатош тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилга мўлжалланган даромадлар қисми **1-қўшимчага**, харажатлар бўйича қисми **2-қўшимчага** муофиқ тасдиқлансин.

4.Тахиатош тумани Молия бўлимига белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга харажатлар ва бюджет ссудалари (даромад ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса айирмачиликларини қоплаш учун) ажратишда, уларнинг миқдорларини туман бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунинггдек иш ҳақи (якка ижтимоий тўловлар билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатлари биринчи навбатда сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиқиб аниқлаштириш хуқуқи берилсин.

5.Тахиатош тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Аманов) тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда:

-бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

-ҳудудларда солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича зарур чоралар кўриш;

-бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан қаттиқ назорат юритсин.

6.Тахиатош тумани Давлат солиқ инспекцияси (У.Алиев) туман маҳаллий бюджетининг даромадлар қисмининг солиқ турлари бўйича ошириб борилишини таъминласин.

7.Тахиатош тумани Молия бўлими (Ж.Сапаров)га:

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан молиялаштиришни таъминлашни чуқур таҳлил қилиб бориш;

зарур ҳолларда бюджет маблағларининг сақланишини асоссиз деб топилган ва бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилиш ҳолатлари содир бўлган бюджет корхоналарини қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимлигига ва тегишли бошқармаларга таклифлар киритиш;

Халқ депутатлари Тахиатош туман Кенгашига маҳаллий бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳар чоракда ҳисобот киритиб бориш;

Туман ғазначилик бўлинмаси билан биргаликда бюджет маблағларининг мақсадли ва уларнинг мақсадсиз ишлатилишининг олдини олиш устидан ғазначилик ижроси рўйхати орқали қаттиқ назоратга олиш топширилсин.

8.Қарор туман газетасида ва ҳокимликнинг веб сайтида эълон қилинсин.

9.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия бошқарувчиси: **Ф.Алламбергенов**

Сессия котиби: **Г.Таганбердиев**

Халқ депутатлари Тахиатош тумани
Кенгашининг 2018 йил 27-декабрь кунги
XI-сессиясиясининг *№11/44* сонли
қарорига 1-қўшимча

2019 йил учун Тахиатош тумани бўйича даромадларининг режа кўрсаткичлари

Даромад турлари		минг. сўм
	Маҳаллий жами	**18 685.2**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун бирдан бир солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалари	
3	Бирдан бир солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шунингдек кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 951.2
5	Тадбиркорлик билан шугулладиган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қаттиқ белгиланган даромад солиғи	1 375.0
6	Қўшимча кун солиғи	
7	Акциз солиғи, жами	
	Шунингдек:	
	- ароқ	
	- коньяк	
	- бошқа винолар	
8	Юридик шахслардан мол-мулкига солинадиган солиқ	1 521,2
9	Юридик шахслардан ер солинадиган солиғи	3 730,1
10	Жисмоний шахслардан мол-мулкига солинадиган солиқ	1 015,0
11	Ер солиғи (бирдан бир ер солиғидан ташқари)	1 176,0
12	Бирдан бир ер солиғи	506,9
13	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	
14	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
15	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	
16	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи	
17	Давлат божи	
18	Жарималар	
19	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	
20	Бозорлар даромадидан тушум	379,0
21	Маҳаллий йиғимлар	1 030,8
22	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун солиқ	
23	Бошқа тушумлар	
ЖАМИ		**18 685,2**
	Ҳудудий бюджетга республика бюджетидан ўтказилиб бериладиган даромад	
	Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатлари иш ҳақи ва бирдан-бир ижтимоий тўлов	**59 214,4**
	Таълим муассасаларини сақлаш харажатлари иш ҳақи ва бирдан-бир ижтимоий тўлов	46 601,4
	соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатлари иш ҳақи ва бирдан-бир ижтимоий тўлов	12 613,0
ҲАММАСИ		**77 899,6**

Халқ депутатлари Тахиатош тумани Кенгашининг 2018 йил 27-декабрь кунги XI-сессиясиясининг *№11/44* сонли қарорига 2-қўшимча

2019 йилги асосий кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Миқдори (млн сўм)
	I. Харажатлар – жами	**77 899,6**
1.	**Ижтимоий соҳани ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар-жами**	**68 840,8**
	Шунингдек:	
1.1	Таълим:	52 238,6
	- умумий таълим бериш	36 219,2
	- мактабгача таълим	14 235,9
	- мактабдан ташқари таълим	1 783,5
1.2	Соғлиқни сақлаш	14 625,1
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	1 950,0
	- маданият, оммавий ахборот воситалари	445,0
	- спорт	1 505,0
1.4	Ижтимоий кўникма маркази	27,1
2.	**Иқтисодиёт харажатлари**	**4 462,3**
	Шунингдек:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилоти	1 11,2
2.2	Ободонлаштириш	3 351,1
2.3	Ички йўллар	
3.	**Давлат ҳокимияти ва бошқа органларини сақлаш харажатлари**	**4 596,6**
	Шунингдек	
3.1	Давлат бошқаруви органлари	2 609,7
4.	**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**1 215,6**
5.	**Ҳокимларнинг заҳира фонди**	**771,3**